



International Congress on Economics, Management and Business Studies

Hosted Online from New York, USA

Date: 23rd March, 2026

Website: <https://econferencia.com>

ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССИДА ЎЗ НОМИДАН БОШҚА ШАХСЛАР ХУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛУВЧИ СУБЪЕКТЛАР ИШТИРОКИГА ОИД ҚОНУНЧИЛИК РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

А. Жумбоев

Фарғона давлат университети Ҳуқуқшунослик факультети
Махсус ҳуқуқий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси

Ўзбекистон ҳудудида фуқаролик суд ишларини юритиш соҳасида ўз номидан бошқа шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш институти мустақилликка қадар бўлган даврда СССР ҳуқуқий тизими таъсирида шаклланган. Хусусан, Ўзбек ССРнинг **1963 йилда қабул қилинган Фуқаролик процессуал кодексида** бошқа шахслар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида айрим давлат ва жамоат органларининг суд ишларида иштирок этиши назарда тутилган эди. Мазкур Кодексида бу институт, асосан, давлат ва жамоат манфаатларини таъминлашга қаратилган бўлиб, унинг мазмуни марказлашган давлат бошқаруви модели билан узвий боғлиқ бўлган¹. Айти пайтда, ушбу норматив тартиб шахснинг индивидуал ҳуқуқларини эмас, балки умумдавлат ва жамоат манфаатларини устувор кўйиши билан тавсифланган. Бундай ёндашув фуқаролик суд ишларини юритишда шахснинг мустақил ҳуқуқий мавқеини иккинчи даражага суриб, давлат ва жамоат органларининг процессуал фаоллигини асосий ўринга кўйган. Шу сабабли, ўз номидан бошқа шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш институти мустақил процессуал механизм сифатида эмас, балки давлат ҳокимияти

¹ Ўзбек Совет Социалистик Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси : 1963 йил 18 июл. — Тошкент : Ўзбекистон ССР Адлия вазирлиги нашриёти, 1963. — 152 б.



International Congress on Economics, Management and Business Studies

Hosted Online from New York, USA

Date: 23rd March, 2026

Website: <https://econferencia.com>

функцияларининг суд орқали амалга оширилиш шаклларида бири сифатида намоён бўлган.

Бундай моделда суд ҳимоясининг мазмуни, асосан, марказлашган бошқарув тизими эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда белгиланиб, шахснинг ҳуқуқ ва манфаатлари эса жамоат манфаатлари доирасида қаралган. Натижада фуқаролик процессида ўз номидан бошқа шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш институти шахс ҳуқуқларини кафолатлашга эмас, балки давлат ва жамоат тартибини таъминлашга қаратилган оммавий-ҳуқуқий хусусиятга эга бўлган.

Айрим тадқиқотларда мазкур модел ижобий баҳоланиб, унинг давлат ва жамоат манфаатларини самарали муҳофаза қилишга хизмат қилгани қайд этилади. Бироқ бошқа олимлар ушбу ёндашув шахс ҳуқуқларининг суд орқали мустақил ҳимоя қилиниши учун етарли кафолатлар яратмаганини таъкидлайдилар. Шу боис, совет даври фуқаролик процессида ўз номидан бошқа шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш институти самарали давлат назорати воситаси сифатида намоён бўлган бўлса-да, уни шахсга йўналтирилган суд ҳимояси механизми сифатида баҳолаш қийин.

Натижада фуқаролик процессида ўз номидан бошқа шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш институти шахс ҳуқуқларини кафолатлашга эмас, балки давлат ва жамоат тартибини таъминлашга қаратилган оммавий-ҳуқуқий хусусиятга эга бўлган. Бироқ ушбу ёндашув кейинги ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар таъсирида изчил равишда қайта кўриб чиқилди, бу эса мазкур институтнинг қонунчиликда ривожланиш тенденцияларини белгилаб берди.

Жамият ҳаётида демократик кадриятларнинг тобора устувор аҳамият касб этиши, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини олий кадрият сифатида эътироф этишга қаратилган концептуал ўзгаришлар фуқаролик суд ишларини



International Congress on Economics, Management and Business Studies

Hosted Online from New York, USA

Date: 23rd March, 2026

Website: <https://econferencia.com>

юритиш соҳасида ҳам янги ҳуқуқий ёндашувларни шакллантирди. Шу муносабат билан фуқаролик процессида ўз номидан бошқа шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш институти давлат манфаатларини таъминлаш воситаси сифатида эмас, балки шахс ҳуқуқларини суд орқали муҳофаза қилишнинг қўшимча кафолати сифатида қайта талқин этилди.

Мазкур трансформация қонунчилик ривожланишида марказлашган давлат бошқаруви моделига хос бўлган оммавий-ҳуқуқий ёндашувдан инсонпарварлик ва ҳуқуқий давлат тамойилларига асосланган моделга ўтиш билан тавсифланади. Бу эса фуқаролик процессида ўз номидан бошқа шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи субъектлар иштироки мазмунини ҳам ўзгартириб, уни суд ҳимоясининг ижтимоий аҳамиятини оширишга хизмат қилувчи барқарор ҳуқуқий институт сифатида шакллантиришга олиб келди. **Мазкур концептуал ўзгаришлар Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги эълон қилинганидан сўнг фуқаролик процессуал қонунчиликда яққол намоён бўлди.**

Мустақиллик йилларида фуқаролик суд ишларини юритиш соҳасида ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти тамойилларига асосланган янги қонунчилик модели шакллантирилди. **1992 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси²** инсон ҳуқуқ ва эркинликларини олий қадрият сифатида эътироф этиб, суд ҳимоясининг мазмунига сифат жиҳатдан янги ёндашувни жорий қилди. Конституцияда шахс ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш кафолатларининг мустаҳкамланиши фуқаролик процессида ўз номидан бошқа шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш институтининг ҳам қайта талқин этилишига замин яратди. Айниқса, **аввалги таҳриридаги Конституциянинг 105-моддаси** орқали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг

² Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Тошкент: Ўзбекистон. 2009.



International Congress on Economics, Management and Business Studies

Hosted Online from New York, USA

Date: 23rd March, 2026

Website: <https://econferencia.com>

ҳуқуқий мақоми конституциявий даражада мустақамланиши мазкур институт ривожда муҳим аҳамият касб этди. Ушбу нормага мувофиқ, фуқаролар йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари сифатида эътироф этилиб, уларнинг сайланувчанлиги, фаолият муддати ва ваколатларининг қонун билан белгиланиши назарда тутилди. Бу эса фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини жамоат манфаатларини ифода этувчи мустақил субъект сифатида шакллантириб, уларнинг суд орқали ҳуқуқларни ҳимоя қилиш жараёнларида иштирок этиши учун ҳуқуқий асос яратди.

Конституциявий қоидаларни ривожлантириш мақсадида **1993 йил 2 сентябрда “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонун** қабул қилиниб, унда мазкур органларнинг ҳуқуқий мақоми, тузилиши, ваколатлари ҳамда фаолиятининг иқтисодий ва молиявий асослари батафсил тартибга солинди. Ушбу Қонун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини фақат маҳаллий ижтимоий масалалар билан шуғулланувчи тузилма сифатида эмас, балки муайян ҳуқуқий ваколатларга эга бўлган жамоат институти сифатида мустақамлади. Бу ҳолат уларнинг фуқаролик процессида ўз номидан бошқа шахслар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда иштирок этиш имкониятларини кенгайтди.

Миллий тараққиёт талабларидан келиб чиққан ҳолда, ушбу институтни янада такомиллаштириш мақсадида **1999 йил 14 апрелда “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонун³ янги таҳрирда қабул қилинди.** Янги таҳрирда фуқаролар йиғинлари шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллардаги маҳаллаларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари сифатида аниқ белгиланди.

³ Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрелдаги. “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги (Янги таҳрири) 758-сонли Қонуни. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси, 1999 й. 5-сон, 110-модда.



International Congress on Economics, Management and Business Studies

Hosted Online from New York, USA

Date: 23rd March, 2026

Website: <https://econferencia.com>

Қонун мазкур органларнинг ваколат доирасини кенгайтириш, уларнинг ташкилий мустақиллигини ошириш ҳамда давлат органлари билан ўзаро муносабатларини ҳуқуқий жиҳатдан аниқлашга қаратилди. Бу эса фуқаролик процессида ўз номидан бошқа шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш институтининг қонунчилик ривожидан изчил ва барқарор тенденция мавжудлигини кўрсатади.

Шу билан бирга, қонунчиликда мазкур институтнинг ривожланиши амалиётда уни қўллаш билан доим ҳам мутаносиб бўлаётгани йўқ. Айрим ҳолларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки бошқа жамоат субъектларининг суд жараёнида иштироки фақат формал тусга эга бўлиб қолмоқда. Бу эса қонунчиликда белгиланган ваколатлар билан ҳуқуқни қўллаш амалиёти ўртасида муайян номуносивлик мавжудлигини кўрсатади ва мазкур институтни янада такомиллаштириш заруратини кун тартибига қўяди.

Муаллифнинг фикрича, Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига оид қонунчиликнинг босқичма-босқич ривожланиши фуқаролик процессида ўз номидан бошқа шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи субъектлар иштирокининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга хизмат қилди. Конституциявий даражадан бошлаб соҳавий қонунлар орқали такомиллаштирилган мазкур институт фуқаролик жамияти ривожининг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади. Шу боис, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари иштироки истисно ҳолат сифатида эмас, балки жамоат манфаатларини ифода этувчи барқарор процессуал механизм сифатида баҳоланиши лозим.

Мустақиллик йилларида фуқаролик процессида ўз номидан бошқа шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш институтининг ривожланиш тенденциялари, аввало, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг



International Congress on Economics, Management and Business Studies

Hosted Online from New York, USA

Date: 23rd March, 2026

Website: <https://econferencia.com>

қабул қилиниши ва кейинги такомиллаштирилиши билан бевосита боғлиқ бўлди. Хусусан, **1997 йил 30 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси⁴** фуқаролик суд ишларини юритиш соҳасида ҳуқуқий давлат тамойилларига асосланган янги ёндашувларни жорий этиб, суд ҳимоясининг очиқлиги ва умумийлигини таъминлашга қаратилди. Мазкур Кодексда ишда иштирок этувчи шахсларнинг процессуал ҳуқуқ лаёқати умумий қоида сифатида белгиланиши фуқаролик процессида ўз номидан бошқа шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш институтининг ҳуқуқий пойдеворини мустаҳкамлади.

Қонунчилик ривожланишининг кейинги босқичида ушбу институтнинг аҳамияти **2018 йил 22 январда янги таҳрирда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси⁵**да янада яққол намоён бўлди. Янги таҳрирда фуқаролик суд ишларини юритишда суднинг фаол роли кучайтирилиб, заиф тоифадаги шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шунингдек жамоат манфаатларини таъминлашга қаратилган процессуал механизмлар такомиллаштирилди. Бу эса фуқаролик процессида ўз номидан бошқа шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи субъектлар иштирокининг қонунчиликда барқарор ривожланиш тенденциясига айланганини кўрсатади.

Бугдан ташқари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мақомини мустаҳкамлаш фақат махсус қонун билан чекланиб қолмади. **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида** уларнинг фуқаролик-ҳуқуқий

⁴ **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси** : Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1997 йил 30 августда қабул қилинган. — Тошкент : Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги нашриёти, 1997.

⁵ **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси** (янги таҳрир) : Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан 2018 йил 22 январда қабул қилинган, 2018 йил 1 апрелдан кучга кирган. — Тошкент : Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2018.



International Congress on Economics, Management and Business Studies

Hosted Online from New York, USA

Date: 23rd March, 2026

Website: <https://econferencia.com>

муносабатларда иштирок этиши, **Уй-жой кодексида** аҳоли яшаш муҳитини бошқаришдаги ваколатлари, **Шаҳарсозлик кодексида** эса худудларни ривожлантириш ва жамоатчилик манфаатларини ифода этишдаги роли акс эттирилди. Шунингдек, “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”, “Фуқароларнинг муурожаатлари тўғрисида”, “Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисида”ги қонунларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари муайян ижтимоий гуруҳлар манфаатларини ифода этувчи субъект сифатида намоён бўлади. Бу ҳолат мазкур органларнинг фаолияти фақат маҳаллий аҳамиятга эга масалалар билан чекланмасдан, кенг ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларга дахлдор эканлигини кўрсатади.

Қонунчилик ривожланиш тенденциялари таҳлили шуни кўрсатадики, фуқаролик процессуал ҳуқуқда ўз номидан бошқа шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш институти босқичма-босқич шаклланган. Дастлаб мазкур институт чекланган доирада, асосан давлат органлари ва прокуратура органларининг иштирокида намоён бўлган бўлса, кейинчалик қонунчиликда унинг субъектлар доираси кенгайиб борди. Бу эса суд ҳимоясининг ижтимоий аҳамияти ортиб бориши, шунингдек, ҳуқуқни қўллаш амалиётида жамоат манфаатларини муҳофаза қилишга бўлган эҳтиёж кучайгани билан изоҳланади.

Замонавий фуқаролик процессуал қонунчилигида мазкур институтнинг ривожланиши инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, заиф тоифадаги шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда қонун устуворлигини таъминлашга қаратилган тенденциялар билан уйғун равишда амалга оширилмоқда. Бу ҳолат фуқаролик процессида ўз номидан бошқа шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи субъектлар иштирокини фақат истисно ҳолат



International Congress on Economics, Management and Business Studies

Hosted Online from New York, USA

Date: 23rd March, 2026

Website: <https://econferencia.com>

эмас, балки суд ҳимоясининг муҳим элементи сифатида баҳолаш имконини беради.

Шу маънода, муаллиф мазкур институтни ривожлантиришда қонунчиликни янада аниқлаштириш билан бир қаторда, суд амалиётида уни қўллашнинг ягона ёндашувларини шакллантириш ҳам муҳим, деб ҳисоблайди.

Муаллифнинг фикрича, фуқаролик процессида ўз номидан бошқа шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи субъектлар иштирокини ҳуқуқий жиҳатдан аниқлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексига мазкур институтга бағишланган махсус норма (ёки алоҳида моддалар гуруҳи) киритиш мақсадга мувофиқ. Ушбу нормада, хусусан:

- а) ўз номидан бошқа шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ҳақли бўлган субъектларнинг аниқ доираси;
- б) уларнинг суд жараёнида иштирок этиш асослари ва мақсадлари;
- в) процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларининг чегаралари;
- г) манфаатдор шахс иродаси билан ўзаро нисбати ва унинг диспозитив ҳуқуқларига таъсири аниқ белгилаб қўйилиши лозим.

Муаллифнинг фикрича, бундай махсус норматив тартибга солиш бир томондан фуқаролик процессида жамоат ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилса, иккинчи томондан мазкур институтнинг асоссиз кенг талқин қилиниши ва манфаатдор шахс ҳуқуқларининг чекланиш хавфини бартараф этади. Шу боис, фуқаролик процессида ўз номидан бошқа шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи субъектлар иштирокини норматив жиҳатдан аниқлаштириш суд ҳимоясининг ижтимоий функцияси ва диспозитивлик принципи ўртасидаги процессуал мувозанатни таъминлашнинг муҳим шarti сифатида баҳоланиши лозим.



International Congress on Economics, Management and Business Studies

Hosted Online from New York, USA

Date: 23rd March, 2026

Website: <https://econferencia.com>

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбек Совет Социалистик Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси : 1963 йил 18 июл. — Тошкент : Ўзбекистон ССР Адлия вазирлиги нашриёти, 1963. — 152 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. —Тошкент: Ўзбекистон. 2009.
3. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрелдаги. “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги (Янги таҳрири) 758-І-сонли Қонуни. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси, 1999 й. 5-сон, 110-модда.
4. **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси :** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1997 йил 30 августда қабул қилинган. — Тошкент : Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги нашриёти, 1997.
5. **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси** (янги таҳрир) : Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан 2018 йил 22 январда қабул қилинган, 2018 йил 1 апрелдан кучга кирган. — Тошкент : Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2018.